

**АҲОЛИ МАДАНИЙ-МАЬНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОИЙ-МАЬНАВИЙ МУҲИТНИНГ ЎРНИ  
ХУСУСИДА**

**Муниса Абдухалиловна МАВРУЛОВА**

доцент в.б.

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
Тошкент, Ўзбекистон

**Аннотация**

Мазкур мақолада янги жамиятни барпо этишда аҳоли маданий-маънавий эҳтиёжларининг зарурлиги, бу жараёнда жамият ижтимоий-маънавий муҳитининг аҳамияти масаласи таҳлил этилган. Шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатда ижтимоий-маънавий муҳитининг ривожланиш эволюцияси 4 босқичдан иборат бўлганлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** аҳоли, шахс, ижтимоий, маданий, маънавий, муҳит, эҳтиёж, жамият, шаклланиш, Ўзбекистон, мафкура, қадриятлар.

**О ЗНАЧЕНИИ СОЦИАЛЬНО-ДУХОВНОЙ СРЕДЫ В ПРОЦЕССЕ  
ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРНО-ДУХОВНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ  
НАСЕЛЕНИЯ**

**Муниса Абдухалиловна МАВРУЛОВА**

И.о. доцента

доктор философии (PhD) по философским наукам  
Узбекский государственный институт  
искусства и культуры  
Ташкент, Узбекистан

**Аннотация**

В данной статье анализируется необходимость культурно-духовных потребностей населения в процессе строительства нового общества, а также, вопросы значения социально-духовной среды общества в данном процессе. Вместе с тем, изучены своеобразные особенности 4-х ступенчатой эволюции развития социально-духовной среды в первые годы независимости Республики.

**Ключевые слова:** население, личность, социальный, культурный, духовный, среда, потребность, общество, формирование, идеология, ценности.

Аҳоли маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва қондириш жараёни ўта мураккаб, айни пайтда жуда долзарб вазифа ҳисобланади. Биз юқорида қайд этганимиз каби, демократик, хуқуқий, инсонпарвар давлат ва

жамият барпо этмоқчи бўлган ҳар қандай мамлакатда аҳолининг маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантиришга энг муҳим масала сифатида муносабатда бўлинади. Очиқлик ва демократик қадриятлар инкор этиладиган, одамларда миллий ўзликни англаш жараёнидан “ушлаб” туриладиган давлатларда халқнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантириш, айниқса, қондириш ҳар доим сиёсий-мафкуравий назорат остида бўлади.

Халқнинг маданий-маънавий эҳтиёжлари шаклланишига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллар жуда кўп. Жамият ҳаётининг қайси жабҳасини олиб кўрмайлик – барчаси ана шу эҳтиёжларнинг ё шаклланиши ёки шаклланмаслигига таъсир этади. Бироқ, бундай эҳтиёжларнинг шаклланиши, айниқса қондирилишига кучли таъсир этадиган омил мавжуд. Бу – ҳар қандай давлат ва жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитдир.

Ижтимоий-маънавий муҳитнинг жамият аъзолари маданий-маънавий эҳтиёжларининг шаклланишига ижобий таъсири энг аввало ушбу давлат фуқароларининг маънавий оламига ва жамиятнинг қандай ғояга суюнишига боғлиқ. Бошқача сўз билан айтганда шахснинг тарбияланганлик даражаси ва бош ғоянинг ҳаётйлиги, ишончлилиги, жамият томонидан қабул қилиниш ҳолати ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлигидан дарак берадиган омил хисобланади.

Шу ўринда мамлакат раҳбарининг қуидаги фикрларини алоҳида таъкидлаш керак: “Маънавиятсизлик ва ғоясизлик ҳар қандай жамиятни таназзул сари етаклаши, давлат сиёсати ва бошқарувини кучизлантириши, коррупция, жиноятчилик ва ахлоқсизлик каби иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлиши билан боғлиқ мисолларни инсоният тарихидан қўплаб келтириш мумкин”[1].

Мазкур ҳолат – жамиятда содир бўладиган маънавиятсизлик, ахлоқсизлик, қадриятларнинг емирила бориши, мафкуравий бўшлик, ғоясизлик каби салбий ҳодисалар, ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай давлатни ва миллатни ичидан емиради, ўша жойда ижтимоий-маънавий муҳит

бекарорлиги вужудга келади. Шунинг учун ҳам, жамият ижтимоий-маънавий муҳитининг соғломлиги мамлакат ва миллат тараққиётининг муҳим белгилари ҳисобланади.

Бироқ, бугунги кунда “ижтимоий-маънавий муҳит” тушунчаси кўп бора тилга олинсада, аммо олим ва мутахассислар томонидан унинг умумэътироф этилган тушунчаси мавжуд эмас. Ҳаттоқи, турли адабиётлар, энциклопедик лугатларда ҳам у тўғрида бирор бир маълумот йўқ.

“Маънавият асосий тушунчалар луғати”да таъкидланишича, ижтимоий муҳит – инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги асосий билим, тажриба ва кўниқмаларини, хусусиятларини шакллантирадиган моддий ва маънавий шарт-шароитлар мажмуаси.

Ижтимоий муҳит кенг маънода, ижтимоий-иқтисодий тизимни, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий институтлар мажмуи, ижтимоий онг шакллари ва жамият маданиятини қамраб олади (макромуҳит). Тор маънода, инсон бевосита яшайдиган, меҳнат қиласидиган оила ва жамоа, таълим масканларини ўз ичига олади (микромуҳит). Ижтимоий муҳит шахс маънавиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади [7].

Айни пайтда юқорида келтирилган иқтибос “ижтимоий-маънавий муҳит” тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беролмайди. Бизнинг фикримизча, “ижтимоий-маънавий муҳит – муайян маконда ва замонда жамиятда қарор топган ва кишилар руҳияти, шахс тарбияси, ижтимоий кайфиятида акс этадиган, унинг мамлакатда амал қилаётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-мағкуравий жараёнларга муносабатини белгилаб берадиган ҳолат” ҳисобланади.

Табиийки, мазкур таъриф “ижтимоий-маънавий муҳит” тушунчасини ўзида тўлиқ ифода эта олмайди. Бироқ, бугун ушбу тушунча бизнинг ҳаётимизга тўлиқ кириб келаётганлигини эътиборга олган ҳолда, унинг назарий ва амалий жиҳатлари янада такомиллаштирилиши мазкур соҳада иш

олиб бораётган олим-мутахассисларнинг саъй-харакатларига боғлиқлигини ҳам қайд этиш керак.

Аҳоли маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва қондириш масаласи бир текисда юз бермаслиги барчага аён. Ана шу эҳтиёжлар энг аввало ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитига боғлиқ эканлиги аксиома. Айниқса, мустақиллик йиллари ушбу жараён нотекис ривожланганлигини кўриш мумкин.

Бунинг кўплаб сабаблари бўлиб, уларнинг энг муҳимлари куйидагилардан иборат бўлди:

биринчидан, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўзбекистон қарийб 74 йил давом этган ва якка мафкуравийликка асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан озод бўлди. Сиёсий, мафкуравий-ғоявий биқиқлик шароитида ўзининг минг йиллар давомида шаклланган миллий давлатчилик анъаналаридан айрилган Ўзбекистон миллий давлатчиликнинг янги тараққиёт йўлига чиқди.

Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг teng кучли субъекти сифатида демократик, ҳукуқий, инсонпарвар давлатни барпо этишни ўз олдига энг катта, стратегик мақсад сифатида қўйди. Бу нарса расмий Ўзбекистоннинг барча хужжатларида эълон қилинди, жаҳон ҳамжамияти давлатимизни мустақил, суверен давлат сифатида тан ола бошлади.

Бироқ, бу жараён жуда зиддиятли ва мураккаб шароитда амалга оширилди. Ҳали собиқ СССРни қўмсайдиган, унинг “имкониятлари” ва сохта “муруватларидан” баҳраманд бўлишни истайдиганлар сафи кўп эди. Бу эса жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлаштиришга жиддий тўсқинлик қиласа эди.

Иккинчидан, мустақиллик Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг тараққиётига кенг имкониятлар очган бўлсада, бироқ, узоқ йиллар давомида шаклланган ва миллий республикалар ва уларнинг халқлари миллий

манфаатларига мутлақо мос келмайдиган совет иқтисодий сиёсати мамлакат тараққиётига кучли салбий таъсир кўрсатар эди.

Шуни қайд этиш жоизки, мустақиллик қўлга киритилган пайтда республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирида турган эди. Ўзбек халқининг турмуш даражаси ўша пайтда ҳаттоқи кўпгина Африка давлатларидаги турмуш даражасидан ҳам паст эди.

Собиқ Иттифоқдан суверен ўзбек давлатига ишлаб чиқаришнинг қолоқ тизими, пахта якка ҳокимлигининг зўравонлиги ва жуда бой минерал-хомашё ресурсларининг марказ томонидан назоратсиз талон-тарож қилиш йўли билан фойдаланишига асосланиб яратилган номутаносиб, бирёклама иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. У комплекс ривожланиш ва аҳоли эҳтиёжига йўналтирилмаган эди. Масалан, 4,5 – 5 млн тонна пахта хом ашёси етиштирилгани ҳолда, республикадаги корхоналар тўла қувват билан ишлаб, фақат 150 минг тонна пахтани қайта ишларди. Охирги, тайёр маҳсулотларнинг улуши саноатда умумий ҳажмнинг факат 25 фоизини ташкил этарди.

Иқтисодиётни ривожлантиришда яққол намоён бўлган хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлик, хомашёга бирламчи ишлов бериш бўйича ибтидоий ишлаб чиқаришни кенгайтириш сиёсати, империя муносабатларининг мажруҳ тизими “Совет Ўзбекистони” хўжалигининг деярли барча тармоқлари ва соҳаларида ҳалокатли номутаносибликни юзага келтирди. Ўзбекистон собиқ совет давлатининг бошқа минтақаларидан дон ва гўштнинг 70 фоизи, картошканинг 60 фоизи, қанд, қуруқ сут ва болалар овқатларининг 100 фоизини ва бошқа ҳалқ хўжалиги ҳамда аҳолининг ҳаёти таъминоти учун зарур бўлган муҳим маҳсулот турларини олиб келишга мажбур эди [5].

Бундай сиёsat жамиятда жиддий норозиликларни келтириб чиқарди. Бу эса мамлакатда ижтимоий-маънавий муҳитнинг янада кескинлашишига олиб келди.

Учинчидан, ўзбек жамиятида ижтимоий масалалар янада чигаллашиб кетди. Мустабид тузум даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб алоҳида-алоҳида шахсларнинг кундалик турмуши ва истиқболига дахлдор бўлган барча катта-кичик масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олгани учун меҳнаткаш ҳалқ боқимандалик кайфиятига дучор бўлди. У фақат ишлаш ҳукуқига эга бўлиб, “меҳнат” деб аталган ҳиссий машинанинг қулига айланиб қолган эди.

Бошқа ҳалқлар қатори ўзбек ҳалқи шунчаки ишлар, шунчаки умр кечирарди, холос. Тириклик деган буюк неъматнинг, ҳаёт деган олий тушунчанинг мағзини чақишга ўзида рағбат ҳам, эҳтиёж ҳам сезмасди. Бинобарин, ақл билан иш тутиш, воқеликни идрок қилиш, бунёд этиш, яратиш туйғулари бутунлай сўндирилган эди. Шунинг учун ҳам мамлакат тараққиёти сустлашиб, одамлар турмуш даражаси номутаносиб равища пасая борди.

Совет иқтисодий сиёсатининг инқирозга юз тутиши, тараққиётнинг экстенсив йўлининг танланганлиги аҳолининг ижтимоий ҳолатига ўзининг кучли салбий таъсирини кўрсатди.

Масалан, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш камая борди, айниқса озиқ-овқатни истеъмол қилиш қисқариб кетди. Экологик инқироз аломатлари яққол сезила бошлади.

Оқибатда Ўзбекистоннинг СССР иқтисодидаги мавқеи тушиб кетди. Агар ўтган асрнинг 60-йиллари бошида Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлар бўйича СССРда 9-ўринда турган бўлса, 1991 йилга келиб 15 республика орасида 12-ўринни эгаллади. Иқтисодий ва ишлаб чиқариш имконияти нуқтаи назаридан Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида учинчи (РСФСР ва Украинадан кейин) ўринда бўлса-да, аҳолининг турмуш даражаси бўйича 14-ўринда эди [4].

Мустақиллик арафасида, шунингдек, истиқлолнинг дастлабки йилларида собиқ СССР давридаги нотекис иқтисодий ва ижтимоий сиёсат туфайли умумийликда тўпланган моддий бойликларнинг аксарият қисми

совет давлатининг ғарбий ҳудудларига жойлаштирилган эди. Яратилган, тўпланган моддий бойликларнинг ҳиссаси Марказий Осиё республикалари, айниқса Ўзбекистон ҳиссасидаги қисми жуда кам миқдорни ташкил этган.

Ўзбекистонда жон бошига сарфланадиган маблағ собиқ Иттифоқдан икки баробар, унинг Европа қисмидан эса уч, тўрт баробар кам эди [6].

Бунинг натижасида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига олинадиган даромад ишчиларда 91 рублни, колхозчиларда 71 рублни ташкил қиласа, бу кўрсаткич Россияда юқоридагига мутаносиб равишда 176 ва 148 рублни, Эстонияда эса 223 ва 197 рублга тенг бўлди [3].

Демак, Ўзбекистон халқи Россия аҳолисига нисбатан қарийб 2 баробар, Эстония аҳолисига нисбатан эса қарийб 3 баробар кам даромад олган. Аҳолининг озиқ-овқат таъминотида ҳам бу фарқ яққол кўзга ташланади. Масалан, агар Ўзбекистонда гўшт маҳсулоти истеъмол қилиш кўрсаткичи умумиттифоқ даражасидан 2 баробар кам бўлса, Фарғона водийси шаҳарларида бу кўрсаткич даражаси 6 баробар кам бўлган, қишлоқ жойларида эса ахвол бундан ҳам баттар бўлган [2].

Тўртинчидан, мустабид тузум даврида Ўзбекистон том маънода маданий-маънавий инқирозга юз тутди. Сохта “совет маданияти”, “шаклан миллий, мазмунан социалистик, руҳан байналмилал маданият” каби шиорлар остида ўзбек миллий маданияти оғир кунларни бошидан кечирди. Миллий қадриятлар топталди, улар миллатчилик ҳаракати сифатида бадном қилинди. Якка мафкуравий ва ҳаддан ташқари ғоявий-сиёсий тус олган шиорлар остида ўзбек зиёлиларининг энг илгор вакиллари қатағон қилинди.

Ўн йиллар давомида тўпланиб қолган ва ҳал этилмаган ана шу ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий муаммолар охир-оқибатда Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий танглик ҳолатини юзага келтирди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида, кейинчалик, 90-йилларнинг бошларида республикада кучли ижтимоий ларзалар пайдо бўлди. Фарғона, Қўқон, Андижон, Наманган, Бўка, Паркент воқеалари Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий инқироз аломатларининг салбий таъсиридан далолат

бериб, ижтимоий соҳада бутунлай ўзгача муносабатларни шакллантирилишини талаб қиларди.

Иқтисодий-ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий-маданий жабҳалардаги инқирозли ҳолатлар Ўзбекистонни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти шундай деган: “Иқтисодий танглик даврида низо чиқариш жуда осон. Гугурт чақилса бас – ҳўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин. Мен бу гапни илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугун, азизлар, биродарлар, бошқа қўшниларимизнинг аҳволини қўриб, яна бир марта тақрорлашга мажбурман. Сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимизни хушёрликка даъват этмоқчиман.

Қуруқ ваъдалар, жizzакилик, сиёсий жазавалар пайти ўтди. Бугун ҳалқимизга тинчлик ва осойишталик керак. Олдин қоринни тўйғазиб, ишнинг сарҳисобини қилиб, тўғри йўлни танлаб, бозор иқтисодиёти учун замин ҳозирлаб, ундан кейин сиёсий баҳслар билан шуғулланиш мумкин. Олдин ҳаммамиз бир бўлиб, бир тан-бир жон бўлиб, эртанги кун харакатини қиласайлик”.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатда аҳоли маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантиришга ва қондиришга собиқ совет давридан мерос бўлиб қолган ижтимоий-мафкуравий ва бир ёқлама ғоявий муҳит салбий таъсир қилди. Айниқса, аҳолининг иқтисодий-сиёсий, маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва қондиришнинг концептуал асосларини яратиш керак эди.

Ушбу вазифаларни илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда, биз уларни тўрт босқичда амалга оширилганлигини таъкидлашни жоиз деб билдиқ. Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу давр совет мустабид тузуми босқичида шаклланган бир ёқлама иқтисодий сиёсатни бозор муносабатларига аста-секин ўтиш, ўша даврдан мерос бўлиб қолган оғир иқтисодий-ижтимоий вазиятни соғломлаштириш йўлидаги дастлабки тадбирлар билан ҳамоҳанг бўлди.

Биринчи босқичнинг энг муҳим жиҳати аҳолини оммавий равища ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шаклланганлиги бўлди. Иқтисодиётнинг либераллашуви шароитида истеъмол молларига қўйилган баҳони мўътадиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бу тадбир, шубҳасиз, мустақилликнинг дастлабки даврида жамият ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришга жиддий ижобий таъсир кўрсатди.

Иккинчи босқич 1995-1999 йилларни ўз ичига олади. Бу даврнинг характерли томони аҳолини оммавий равища ижтимоий ҳимоялаш тизимидан уларни мақсадли ва манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш тизимига ўтиш билан изоҳланади.

Агар аҳолининг иқтисодий-сиёсий, маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва қондиришнинг биринчи босқичида одамларда иқтисодий, сиёсий ҳаётда совет мустабид тузумининг қолдиқларидан қутулиш масаласида консерватив фикрлаш аломатлари кучли тарзда намоён бўлиб турган бўлса, иккинчи босқичда энди кишилар аста-секинлик билан мустабид тузум кайфиятидан фориг бўла бошлади. Улар тафаккур тарзида тараққиётнинг янги даврига мослашув жараёни юз бера бошлади.

Учинчи босқич 1999-2016 йилларни ўз ичига олади. Учинчи босқичнинг асосий мазмун-моҳияти шундан иборатки, бу даврда мамлакат сиёсий раҳбарияти ижтимоий ислоҳотларни аҳолининг ночор қисми манфаатларига мосланган ҳолда олиб боришга ҳаракат қилди. Шунингдек, мазкур давр меҳнат бозорини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, пировард натижада халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган сиёsat билан боғлиқ бўлди.

Бироқ, мамлакатнинг 1991-2016 йиллар оралиғидаги тараққиёт босқичини том маънода аҳоли маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантириш даври деб аташда реал воқеликни эътиборга олиш лозим, деб ўйлаймиз. Бу даврда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётдан одамларнинг кўнгли тўлмади, иқтисодий тараққиётнинг бош кучи бўлган тадбиркорлик ҳаракати қатор маъмурий тўсиқлар сабаби кенг тус олмади.

Иқтисодиёт тармоқларини том маънода модернизация қилиш амалда юз бермади. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда замонавий усуллардан фойдаланиш даражаси паст бўлди, соҳада кластерлар ва кооперациялар фаолияти қўллаб-қувватланмади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида кўплаб хато ва камчиликлар кузатилди. Одамларни уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ўрнига бундай муаммолар тобора ортиб бораверди. Камбағаллик даражаси янада ошди. Одамларни иш билан таъминлаш масаласида жиддий муаммолар келиб чиқди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали, мақсадли тизими ишлаб чиқилмади. Булар натижасида аҳолининг муайян қисмида совет даврини қўмсаşдан иборат кайфият йўқолмади. Шунингдек, жамият ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, аҳолининг маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантиришга замин яратадиган қулай маънавий-мафкуравий муҳит ҳам яратилмади.

Мазкур ҳолатлар Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатига, аҳоли маданий-маънавий эҳтиёжларининг шаклланишига муайян даражада салбий таъсир қилганлигини эътиборга олиш лозим. Мустақилликнинг қўлга киритилганлигига чорак аср вақт ўтганига қарамасдан, одамлар асосий эътиборни ўзларининг табиий, ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратдилар. Озиқ-овқат, уй-жой муаммосини ҳал этмасдан, муносиб турмуш шароитига эга бўлмасдан аҳолининг маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва қондириш муаммосини ҳал этиш кийин эканлиги барчага аён эди.

Аҳолининг иқтисодий-сиёсий ва маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва қондиришнинг навбатдаги, 4-босқичи 2016 йилдан ҳозиргача давом этиб келаётган даврни ўз ичига олади. Бу давр айни пайтда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни қуриш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш даври сифатида ҳам тарихга киради.

Бу давр одамларни қарийб 25 йил давомида қийнаб келган қатор ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий муаммоларни адо этиш йўлидаги

дадил қадам сифатида тарихга киради. Бизнинг назаримизда, ахолининг маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва қондиришнинг муҳим омили сифатида жамият ижтимоий-маънавий муҳитининг барқарорлашуви ва янада соғломлашишига ижобий таъсир қилган айрим жиҳатлар қуидагилардан иборат бўлди:

-янги давр Янги Ўзбекистонни феномен ҳодиса сифатида халқимиз ҳаётига кириб келиши билан изоҳланади. Янги Ўзбекистон – бу мамлакатимизнинг замонавий қиёфаси, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятидан иборат ижтимоий ҳодиса бўлди;

-бу давр инсон қадр-қиммати улуғланганлиги билан ажралиб туради. Шахс манфаатини ҳимоя қилиш давлат органлари фаолиятининг муқаддас мақсадига айланди. Бундай мақсад “инсон – жамият – давлат” тамойили асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди;

-мамлакат раҳбарияти катта сиёсий ирода кўрсатиб, узок йиллар давомида Ўзбекистонда камбағаллик муаммоси мавжуд бўлганлигини, эндиgi энг асосий вазифа ушбу қийин вазиятдан чиқиш эканлигини тан олди. Камбағалликни қисқартиришнинг энг ишончли ва тўғри йўли сифатида одамларда тадбиркорлик руҳини уйғотиш, янги иш ўринларини яратишга қаратди;

-ўтган чорак аср мобайнида жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига жиддий салбий қўрсатган энг катта омил коррупция ҳолати билан боғлиқ эди. 2016 йилдан бошлаб мазкур ҳолатни бартараф этиш давлат сиёсатининг энг устувор масаласига айланди. Бу борада олиб борилган тизимли ишлар натижасида коррупция ҳолати авж олган таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш соҳаларида меҳнат қилаётган минглаб ходимлар маошлари оширилди, коррупцион ҳолатларга қарши жиддий кураш бошланди. 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди, 2020 йил 29 июнда коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди;

-мамлакатимиз фуқароларини қийнаб келаётган, пировард натижада жамиятда муайян даражада ижтимоий-маънавий муҳит беқарорлигига сабаб

бўлаётган масалалардан яна бири – бу қўшни давлатлардаги яқинларимиз, куда-анда бўлиб кетган қариндошларимиз билан алоқаларимизнинг узиб кўйилгани бўлди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан 2017 йили Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги чегаралар очила бошланди. 2019 йилга келиб барча 17 та назорат-ўтказиш пунктлари фаолияти қайта тикланди. Ҳудди шу каби, Ўзбекистоннинг Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон билан чегараларидаги тўсиқлар ҳам олиб ташлана бошланди. Буларнинг бари Ўзбекистон жамиятида ижтимоий-маънавий муҳитнинг янада барқарорлашувига ижобий таъсир қўрсатди;

-мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда туғилган, яшаётган бўлишларига қарамасдан улар ўз Ватанларига эга эмас эдилар. Улар Ўзбекистонни ўз жонажон ватанлари дейишлиларига қарамасдан бу ҳолат ҳукуқий жиҳатдан расмийлаштиришда маъмурий-буйруқбозлик тизими олиб ташланмаган эди. Ана шу ўта қаттиқ ва мантиқсиз паспорт тизими ва текширув пунктлари бекор қилинди;

-мамлакат раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистондаги мажбурий меҳнат ман этилди. Пахта далаларида мактаб ўқувчилари, олий таълим муассасаларининг талабалари ва улар ўқитувчиларининг мажбурий меҳнатларига чек қўйилди. 2022 йил 10 марта мамлакатимизда мажбурий меҳнат бекор қилингандиги, раҳбариятнинг мазкур масала бўйича қатъий муносабатини эътиборга олиб, “Cotton Campaign” халқаро коалицияси Ўзбекистон пахтасига жорий қилинган бойкотни бекор қилди. Бу эса, бир жиҳатдан таълим соҳасига асосий эътибор беришни таъминлаган бўлса, бошқа тарафдан, Ўзбекистон пахтасининг жаҳоннинг барча мамлакатларида сотиш имконини берди.

Юқорида санаб ўтилган омиллар жамият иқтисодий-сиёсий ва маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва қондиришнинг 4-босқичида содир бўлган энг муҳим ижобий ўзгаришлар ҳисобланади. Мазкур ўзгаришлар Ўзбекистон жамиятида барқарор ижтимоий-маънавий муҳитнинг

шаклланишида, шу аснода аҳоли маданий-маънавий эҳтиёжларининг шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
2. Алиакбарова Н.М., Гольфарб Б.Я., Эргашев А. Размещения населения Ферганской долины (Демографический аспект). – Ташкент: Фан, 1990.
3. Гурьев В.И. Основы социальной статистики. – Москва: Финансы и статистика, 1991. – 80 с.
4. Зайнутдинов Ш. Некоторые теоретические вопросы экономических реформ //Общественные науки в Узбекистане, 1997. – №5. – Б. 5.
5. Зиядуллаев С. Экономические реформы в Узбекистане в действии. – Ташкент: Узбекистан, 1994.
6. Искандаров И. Ўзбекистонда ижтимоий фанларнинг вазифалари //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1992. – №1. – Б.4.
7. Маънавият асосий тушунчалар луғати. – Тошкент: Маънавият, 2021.
8. Маврулов А. Бўлар экан-ку ёхуд бугуннинг кечадан фарқи нимада. Тошкент: Зарварақ, 2023.